

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

1 (4) 2024

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 1(4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори. сиёсий фанлар номзоди. профессор.

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети Тарих факултети доценти

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳақимов Назар Ҳақимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гўлнора Абдукаҳхаровна –  
т

Гурдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;  
Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Электрон журнал **1368-сонли гувоҳнома** билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEM S TEAM” масъулияти чекланган жамияти.

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Mustafoyev Abubakr Muhiddin o'g'li</i> XIII VA XIV-ASRDA YASHAB IJOD ETGAN BUXORO FAQIHLARI VA ULARNING ASARLARI TAVSIFI (1-qism).....	9-14
<i>Mirzayev Avazbek</i> ANDIJON TAJRIBA PAXTA DALASI TARIXINING ARXIV HUJJATLARIDA YORITILISHI .....	15-21
<i>Алиджанова Лазизахон Аббасовна</i> ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ДИН ВА ТАБОБАТ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР .....	22-28
<i>Sobirov Sardorbek Abdusattor o'g'li</i> XIX-ASRNING IKKINCHI YARMIDA SHARQIY TURKISTONDA ROSSIYA VA BRITANIYA IMPERIYALARI RAQOBATI .....	29-34
<i>Джалолов Бахром Джамолович</i> СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТАЯККАҲОКИМЛИГИ” СИЁСАТИ ВА БОЛАЛАРГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ .....	35-39
<i>Махматкулова Нозикой Чориёевна</i> ЎЗБЕКИСТОНДА XX ASRNING IKKINCHI YARMIDA IRRIGATSIYA-MELIORATSIYA VA QISHLOQ XO'JALIGINI MEKANIZATSIYALASH SOHASIDA YURITILGAN KADRLAR SIYOSATI .....	40-45
<i>Ochilov Farhod</i> ЎЗБЕКИСТОНДА О'ZINI О'ZI BOSHQARISH ORGANLARINING АНОЛИНИ ИЖТИМОИЙ НИМОYA QILISHDAGI FAOLIYATI .....	46-52
<i>Ҳамроева Нодира Нормуродовна</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОИЙ МУОММОЛАР .....	53-58
<i>Мамажонов Алишер, Алишеров Абдувоҳид Алишерович</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ТАРИХИ .....	59-65
<i>Tursunov Ravshan Normuratovich</i> XIX-ASRNING IKKINCHI YARMI – XX-ASR BOSHIDA TURKISTON O'LKASIDA SODIR BOLGAN ZILZILALAR TARIXIGA BIR NAZAR .....	66-71

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Умурзакова Мўътабархон Нодир қизи</i> СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ ТИББИЙ СУҒУРТА АСОСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МОДЕЛИ .....	72-78
<i>Ro'zmetov Bahodir Shomurotovich</i> TURIZMDA XIZMATLAR MOHIYATI VA UNING IJTIMOIIY-IQTISODIY RIVOJLANISHNI TA'MINLASHDAGI O'RNI .....	79-90
<i>Shanazarova Nilufar Baratovna</i> MILLIY IQTISODIYOTDA TRANSPORTNING АНАМИYATI .....	91-99
<i>Рахимов Ойбек Бахтиёрович</i> АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОХИЯТИ .....	100-109

<i>Болтаев Нурали Шираматович</i> АГРАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ АСОСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	110-118
<i>Эрханов Муҳаммаджон Абсайитович</i> ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЎРНИ .....	119-124
<i>Жураева Гульзира</i> АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛЕ И УСЛУГАХ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ .....	125-130
<i>Akbarov Husan O'zbekxonovich</i> BOG'DORCHILIKDA TEXNIK SAMARADORLIKNI TAHLIL ETISHNING PARAMETRIK VA NOPARAMETRIK USULLARI .....	131-136
<i>Yaqubova Yulduz Raimovna</i> KICHIK BIZNES SUBYEKTLARINING ISHLAB CHIQRISHINI SAMARALI AMALGA OSHIRISH KO'RSATKICHLARI .....	137-147
<i>Рахимбаев Акмал Азатбоевич</i> ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИ САНОАТГА ИХТИСОСЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА АНИҚЛАШ .....	148-157
<i>Saidmurodov Feruz Sodiqjon o'g'li</i> SAMARALI SOLIQ SIYOSATI-INNOVATSION RIVOJLANISHGA O'TISHNING ASOSIY SHARTI .....	158-170
<b>09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна</i> БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОЙЛАРИНИ ШАРҲЛАГАН АЛЛОМА .....	171-175
<i>Шарифходжаева Наргиза Абдуманноновна</i> ФИЛОСОФИЯ СВОБОДЫ, РАВЕНСТВА И СОЦИАЛЬНОЙ СПРАВЕДЛИВОСТИ МУХАММАДА АЛИ ДЖИННЫ .....	176-181
<i>Nasimov Azizbek Azimovich</i> АХВОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ МОНИЯТИ .....	182-186
<i>Norkulov Olim Nasimovich</i> GLOBALLASHUV JARAYONIDA MIGRATSIYANING AHOLI AXLOQIY QADRIYATLARIGA TA'SIRI .....	187-191
<i>Хасанов Бобуржон Хакимович</i> ОММАВИЙ НОРОЗИЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	192-197
<i>Quratboyev Alisher Maxsudovich</i> YANGI O'ZBEKISTON VA IJTIMOY DAVLATCHILIK .....	198-204
<i>Raxmonberdiyev Islombek Ilxom o'gli</i> SIVILIZATSIYALAR TARAQQIYOTIDA MADANIYATLAR TO'QNASHUVINING IJTIMOY- FALSAFIY AHAMIYATI (Samyuel F. Xantingtonning "Sivilizatsiyalar to'qnashuvi" asari asosida).....	205-214

<i>Shukurov Orif Jumaboyevich</i> JAMIYATDA YOSHLARNING IJTIMOYIY AKTIVLIGINI OSHIRISH XUSUSIYATLARI VA TAMOYILLARI .....	215-219
<b>10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
<i>Akhmedov Oybek Saporbayevich</i> THEORETICAL OVERVIEW OF THE DEFINITION “TERM” AND “TERMINOLOGY” IN LINGUISTIC SURVEYS .....	220-227
<i>Ravshanova Gulrukhbegim Qaxramon qizi</i> ЯНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВНАВИСЛИК АНЪАНАСИ .....	228-232
<i>Ortiqova Mavluda Nurmahammadovna</i> AQOID ILMIDA KAROMAT TUSHUNCHASI VA BADIY ADABIYOTDAGI TALQINI .....	233-237
<i>Uliqova Mavludaxon</i> “QON-QARINDOSH” KONSEPTINI FONETIK-FONOLOGIK SATHDA NAMOYON BO’LISHI .....	238-243
<i>Rahmonov Asror ibni Nusrat</i> HERMANN HESSE HAYOTI, IJODI VA ADABIYOTDAGI O’RNI .....	244-252
<i>Raxmatova Dilafruz Nusratilloevna</i> SAMARQAND JADIDCHILIK MAKTABI VAKILLARI ASARLARINING TIL XUSUSIYATI ....	253-258
<i>Djuraeva Muxlisa Shadiyarovna</i> INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA OILAVIY NUTQDAGI IJTIMOYIY-MADANIY FARQLAR ....	259-265
<i>Vokhidova Tamanno Saidjonovna</i> MEDIALINGUISTICS AS A MODERN SCIENTIFIC DIRECTION .....	266-271
<i>Djurayeva Shahlo G’ulom qizi, Sattarova Ismigul Baxtiyorovna</i> INGLIZ ADABIYOTLARIDA KIRITMA BIRLIKLARINING BADIY SEMANTIKASI .....	272-277
<b>12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР</b>	
<i>Uzakova Go’zal Sharipovna</i> O’ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA “YASHIL QURILISH”NI AMALGA OSHIRISHNING HUQUQIY MASALALARI .....	278-286
<i>Murzaev Shuxrat Shavkatovich</i> СУЩНОСТЬ И СОДЕРЖАНИЕ КАТЕГОРИИ ПРАВОПОНИМАНИЯ .....	287-293
<i>Qosimov Botirjon Ma’rufjon o’g’li</i> SUD HOKIMIYATINING MOLIYAVIY MUSTAQILLIGI: KONSTITUTSIYAVIY TAHLIL .....	294-301
<i>Islombek Abdikhakimov</i> QUANTUM COMPUTING AND LEGAL READINESS FOR E-GOVERNMENT SERVICES .....	302-309
<i>Hodjaeva Shirinxon Olimxon kizi</i> ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СУДЕБНОЙ СИСТЕМЕ .....	310-315
<i>Jiyenbayev Bahadir Ospanovich</i> EKOLOGIK AUDITNI HUQUQIY TA’MINLASHNING AYRIM XUSUSIYATLARI: MILLIY VA XORIJIY TAJRIBA .....	316-322
<i>Aliшаев Собир Турсунбоевич</i> СУД ҲУКМИНИ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	323-329

*Адембаев Аралбай Куралбаевич*

АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ  
ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОЙДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН  
ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ ..... 330-339

### **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Матенов Рашид Бекимбетович, Анатолий Викторович Тряпельников*

ЮРИДИЧЕСКИЙ ТЕКСТ КАК ОБЪЕКТ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ-  
ЮРИСТОВ: ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕЖОТРАСЛЕВЫЕ  
ПЕРСПЕКТИВЫ ..... 340-346

*Хаййева Ирода Адамбаевна*

TALABALARGA ZAMONAVIY O'ZBEK SHE'RIYATI VA FOLKLOR MUNOSABATINI  
TUSHUNTIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING O'RNI ..... 347-351

*Ayatov Raximberdi Ibragimovich*

XORIJIIY TILDA TURIZM VA MEHMONXONA BIZNESI SOHASIGA OID SO'Z VA IBORALARNI  
O'QITISHDA TIL KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH ..... 352-357

*Saidova Dilobar Ikrambayevna*

MEHRIBONLIK UYLARI TARBIYALANUVCHILARIDA IJTIMOIIY XULQ-ATVORNI  
RIVOJLANTIRISH ZARURATI ..... 358-361

*Eshqobilov Elmurod Menglimurod o'g'li*

KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV ASOSIDA BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHISINING  
KASBIY-PEDAGOGIK IJODKORLIKNI RIVOJLANTIRISH  
METODIKASI ..... 362-367

*Ҳамдамова Шахноза Юсупалиевна*

ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАДАШУВ АСОСИДА  
ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ЛАЁҚАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ..... 368-375

*Janonova Sitora Berdinazarovna*

ТА'ЛИМ ВА ТАРБИYA ТАРАҚҚИYOTИДА КОММУНИКАТИV КОМПЕТЕНСИYA  
TUSHUNCHASINING O'RNI ..... 376-381

*Турсунбоева Мухлиса Анвар қизи*

ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КАСБГА  
ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИК АСОСИДА ЎҚИТИШ ПЕДАГОГИК МУАММО  
СИФАТИДА ..... 382-387

*Bakhadirova Shoxina Nadir kizi*

INGLIZ TILIDA GAPIRISH KO'NIKMASINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN MASHQ VA  
TOPSHIRIQLARNI ONLINE KO'RINISHDA O'QITISH ..... 388-392

*Qurbonova O'lmasoy Usmonovna, Niyozova Shohista Nusratilloevna*

OILA BARQARORLIGINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK OMILLARI ..... 393-397

*Xudayberdiyeva Mahliyo Zayniddin qizi*

BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KOMMUNIKATIV YONDASHUV ASOSIDA KASBIY SIFATLARINI  
RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI VA INNOVATSION  
METODLARI ..... 398-403



Джалолов Баҳром Джамолович  
НамДУ эркин тадқиқотчиси

**СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТАЯККАҲОКИМЛИГИ”  
СИЁСАТИ ВА БОЛАЛАРГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Совет ҳукуматининг 1946-1991 йиллар орасида Ўзбекистонда олиб борган пахта сиёсати ва унинг ўзбек болаларининг маиший турмуш тарзи ва эркинлигига кўрсатган салбий таъсири, шунингдек болаларни мажбурий меҳнатга жалб қилиниши оқибатида юзага келган аянчли омиллар танқидий таҳлил қилиниб, ёритиб берилди

**Калит сўзлар:** пахта яккаҳоқимлиги, “пахта байрами”, ишлаб чиқариш бригадаси, пахта майдони, поезд эшелони, Иванова, кўсак чувиш, пахта мажбурияти, кичик академия, ёш пахтакорлар тўғараги, бригада шийпони, болалар боғчаси.

---

**Djalolov Bakhrom Djamolovich**  
NamSU freelance researcher (939385382)

**THE POLICY OF "COTTON RULE" OF SOVIET POWER IN UZBEKISTAN AND IMPACT  
ON CHILDREN**

**Abstract.** In this article, the cotton policy carried out by the Soviet government in Uzbekistan between 1946-1991 and its negative impact on the household lifestyle and freedom of Uzbek children, as well as the unfortunate factors caused by the involvement of children in forced labor, are critically analyzed and highlighted.

**Key words:** cotton monopoly, "cotton holiday", production brigade, cotton field, train echelon, Ivanova, cobweb, cotton commitment, small academy, young growers' circle, brigade shed, kindergarten.

---

**Джалолов Баҳром Джамолович**  
Внештатный научный сотрудник НамГУ

**ПОЛИТИКА «ХЛОПКОВОГО ПРАВЛЕНИЯ» СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В  
УЗБЕКИСТАНЕ И ВОЗДЕЙСТВИЕ НА ДЕТЕЙ**

**Аннотация.** В данной статье рассматривается хлопковая политика, проводимая советским правительством в Узбекистане в период 1946-1991 гг., и ее негативное влияние на бытовой образ жизни и свободу узбекских детей, а также неблагоприятные факторы, вызванные привлечением детей к принудительному труду. , критически проанализированы и выделены.

**Ключевые слова:** хлопковая монополия, «хлопковый праздник», производственная бригада, хлопковое поле, эшелон, Иванова, паутина, хлопковое обязательство, малая академия, кружок юных земледельцев, бригадный сарай, детский сад.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I1Y2024N05>

Иккинчи жаҳон уруши(1939-1945 йиллар)дан сўнг Совет Иттифоқи уруш оқибатларини тугатиш ва бунинг учун барча кучларни сафарбар этиш, хусусан, Ўзбекистон олдида пахтачиликни қайта тиклаш ва мамлакатни пахтага бўлган эҳтиёжини қондиришда масъулиятни янада кучайтириш масаласини қўйди.

1946 йил 2 февралда СССР Халқ Комиссарлари Советининг «1946-1953 йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва келажак ривожини режаси ва тадбирлари тўғри - сида» қарори қабул қилинди ва унга мувофиқ, Ўзбекистон 1946 йилнинг ўзида 1160 минг, 1947 йилда 1460 минг тонна пахта бериб, урушдан олдинги даражага чиқиш талаби илгари сурилди[1:662].

Ўзбекистонда пахтаккаҳоқимлигини ўрнатиш, Сталин даврида кучайди ва кейинги раҳбарлар томонидан ушбу сиёсат йилдан йилга мустақамланиб бориб, республиканинг барча соҳалари ва аҳоли қатламларига ўз таъсирини кўрсата бошлади.

Ўзбекистонда пахтаккаҳоқимлигини ўрнатишда совет ҳукумати ўзбек халқини машаққатли меҳнатига “байрамонга кайфият”да муносабатда бўлишини режалаштириб борди.

1956 йил 13 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон Министрлари Советининг «1956 йилдан Ўзбекистон ҳудудида пахта байрамини жорий қилиш тўғрисида» қарори қабул қилинди. Унга кўра, ҳар йилнинг август ойи охиригача ҳафтасининг якшанба ва душанба кунлари нишонланиши белгиланди[2:224].

Пахта терими олдидан бошланадиган ушбу байрам кунлари катталар билан бирга болалар ҳам фаол қатнашиб, пахта терими олдидан ташкил этилган 2 кунлик тантанадан сўнг, ҳаммани пахта терими кампаниясига сафарбар қилиш одатий ҳолга айланди.

Пахта майдонларини кенгайтириш ва ҳосил миқдорини янада кўпайтиришни ўз олдида мақсад қилган совет ҳукумати Ўзбекистонни Совет Иттифоқининг пахта етиштириб берувчи метрополиясига айлантирди.

Хусусан, 1960 йилда республикада пахта экинлари майдони 1450 минг, 1981 йил 1873 минг, 1984 йилда 2019,8 минг гектарни ташкил қилиб, пахта ҳосили эса 1960 йилда 2 миллион 949 минг, 1977 йилда 5,7 миллион, 1981 йил 6 миллион 22,4 минг, 1984 йилда 5 миллион 292 минг тоннага етди[3:142].

Пахта ҳосилини йилдан йилдан ошиб боришида, ўзбек халқининг машаққатли хизматлари, айниқса вояга етмаган, ўзбек фарзандларини тақдири муҳим роль ўйнаб, 1950 йиллардаёқ болалар меҳнатидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш, кенгайиб борди.

Хусусан, 1959 йил февралда меҳнаткашлар депутатлари Самарқанд вилоятида ўқувчиларни меҳнатга жалб қилиш, пахта экиш, унга ишлов бериш ва ҳосилни йиғиштириб олиш ишларида ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларини тузиш масаласи кўриб чиқилди. Пастдарғом туманидаги 9 та мактабда ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари тузиш ҳақида қарор қабул қилинди[4:77].

Ушбу бригадалар учун мактабга яқин жойдан ер участкаси, экиш учун уруғ, техника турлари ва сув ажратилиб, дала шийпони қуриб берилди ва йил давомида пахтани экиб, йиғиштириб олингунга қадар, улар бошқа қишлоқ хўжалиги ишларидан озод этилди. Уларга ғамхўрлик қилиш, колхоз раиси ва мактаб директорлари зиммасига юклатилди.

Бу тадбирлар республиканинг бошқа вилоятларида ҳам “анъана”га айланди.

Масалан, 1977 йил республикадаги пахта мавсумида Андижон вилояти, Шаҳрихон туманидаги 1-мактабдан жами 800 нафар ўқувчи пахта йиғимида жалб қилиниб, ҳар бир ўқувчи мавсумда ўртача 1,5 тоннадан пахта териб топширдилар[5].

Пахтани йиғиштириш ишлари, об-ҳавонинг ҳолатига эмас, балки Марказ ва республика раҳбарларининг ҳошиш-иродасига боғлиқ бўлиб қолди.

Оқибатда барча болалар ҳам пахта далаларида декабрнинг охирларига қадар қолиб кетишди. Хусусан, Фарғона вилоятида болаларнинг аксарияти ғўза оралаб, декабрь ойида пахтага ёққан қорни, музни қоқиб ташлаб, кўсак узишгани ва уни қишининг узоқ тунги кечаларида сандалда ўтириб, кўсак чувишлари одатга айланди[6:46].

Пахта билан боғлиқ бундай бемаъни одатлар, республикадаги ҳамма жойларга тарқалиб бўлган эди.

Ўзбекистон болаларига терган пахталарини Совет Иттифоқининг пахтани қайта ишловчи марказларига поездларда ўзлари топшириб келиш, мажбуриятини ҳам юкладилар.

1977 йил 29 октябр куни Тошкентдан Иванова шаҳрига 360 тонна пахта юкланган поезд эшелонини, 12 нафар вояга етмаган, республиканинг турли бурчаклари -дан тўпланган болалар зиммасига юкладилар, жумладан, Бухоро вилояти, Ромитан тумани, 5-мактабдан Мухтор Қутлиев, Тошкент вилоятидан 4 нафар, Чиноз тумани, 9-мактабдан Абдужаббор Ғозибеков, Оққўрғон тумани, 6-мактабдан Тоҳиржон Комилжонов, Янгийўл тумани, 14 мактабдан Дониёр Рашидов, Ўрта Чирчиқ тумани, 6-мактабдан Маҳмуда Самидова, Сурхондарё вилояти, Термез шаҳри, 1-мактабдан Марина Низамова, Сирдарё вилояти, Боёвут тумани, 25-мактабдан Равшан Худойқулов, Қашқадарё вилояти, Қарши тумани, 12-мактабдан Зебунисо Узоқова, Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, 1-мактабдан Алишер Қодиров, Хоразм вилояти, Хива шаҳри, 1-мактабдан Балжон Юсуповалар 4 ноябрь куни Иванова шаҳридаги йиғирув-тўқув фабрикаси ва мовут комбинатига хом-ашёни етказиб бердилар[7].

Болаларнинг ишлаб чиқариш бригадаларида пахта ва бошқа экинларга ишлов бериш, уни йиғиштириб олиш кўникмаларини шакллантириш ва “пахта мажбурияти”ни сифатли амалга оширишлари учун тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучай -тириш масалаларига эътибор қаратилди. Республика болалар пионер ташкилотининг матбуот органи-“Ленин учқуни” газетасида 1978 йил март ойидан бошлаб, “Ёш деҳқон -лар Кичик Академияси”(ЁДКА) саҳифаси ташкил этилди[8].

Унинг саҳифаларида болаларга деҳқончилик кўникмаларини шакллантириш, пахтага ишлов бериш ва бошқа экинларни етиштириш агротехникасидан турли олимлар, таниқли-тажрибали бригадирлар ва бошқалар ёш деҳқонларга сабоқ беришни бошладилар.

Мактабларда пахта етиштириш сирларни ўргатувчи тўғарақлар ташкил қилинди.

Жумладан, Тошкент вилояти, Пискент туманидаги Фурқат номли мактаб ўқитувчиси М. Қуддусов мактабда ташкил этган “ёш пахтакорлар” тўғарагида, 30 йил давомида 5 мингдан ортиқ ўқувчига пахтачилик сирларини ўргатиб келди. Қўлга киритган ютуқлари туфайли, 1978 йилда “ёш пахтакорлар” тўғараги раҳбари М. Қуддусов Москвада бўлиб ўтган, Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг кумуш медали билан тақдирланди[9].

Шаҳар мактабларида эса пахта билан боғлиқ тадбирлар кучайтирилди, жумладан Тошкент шаҳар, Киров тумани(ҳозирда Юнусобод)га қарашли 65-мактабда “Пахта байрами” бўлиб ўтди ва унда ўқувчиларга “Ўзбекистон-Совет Иттифоқининг асосий

пахта базасидир”, “Пахта-ўзбек халқининг миллий ифтихоридир” мавзуларида маърузалар қилиниб, кўргазма ташкил қилинди[10].

Пахтага ишлов бериш ёки уни йиғиштиришда асосий куч бўлган аёллар, пахта даврида ёш чақалоқ ёки гўдақларини далага олиб чиқиб, ишлашга мажбур қилиндилар, бироқ болалар учун кўплаб, бригада шийпонларида шароит яратиб берилмади.

Ҳолбуки, социалистик қоидаларга кўра, пахта мавсуми даврида тиббий ёрдам кўрсатиш режасида энг муҳим тадбирлар белгиланган, хусусан, дала шийпонлари учун жой тўғри танлаш ва уларни талаб асосида тўғри қуриш, ётоқхоналар, душхоналар, ошхоналарнинг санитария ободончилигига кўрсатиб берилган.

Далада ишлаётганларни сифатли сув, овқат билан таъминлаш, мавсумий болалар яслилари ва майдончаларини ташкил этиш ҳамда яслилар учун кадрлар ва ошпазлар тайёрлаш каби талаблар илгари сурилган эди[11:252].

Ўзбекистондаги кўплаб колхоз ва совхоз директорлари, бригадирлар ушбу талабларни бажаришни ортиқча харажат деб билишиб, лоқайдликка йўл қўйганлар. 1986 йилда вилоятлардаги дала шийпонларидаги аҳвол ўрганилганда, аянчли ҳолатлар кўзга ташлаган. Андижон вилояти, Пахтаобод тумани, “Андижон” колхозидаги 1-дала шийпонида болали аёллар ва гўдақларга яратилган шароитлар юзасидан ўрганишлар олиб борилди. Унга кўра, болалар учун ўта кир, чипта қоплардан беланчаклар ясаиб, болаларни ётқизиб қўйилганлиги, чойшаб, ёстиқ ғилофи, болалар ўтириши учун курсилар ва ўйинчоқларнинг йўқлиги, тиббиёт қутичаси ва музлатгич мавжуд эмаслиги аниқланди[12:106].

Болалар учун энг хавфлиси, ясли майдонига табелчи томонидан селитра, суперфосфат, аммофос, чиритилган гўнгнинг тўкиб қўйилганлиги ва 40-43 градус иссиқда болалар турган яслини дорилардан тарқалган ноҳуш ҳидлар ўраб олганлиги кузатилди.

Ҳолбуки, СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 1973 йил 20 сентябрда қабул қилган “Қишлоқ хўжалигида заҳарли химиявий дориларни сақлаш, ташиш ва қўллаш бўйича санитария қоидалари” эълон қилинган бўлсада[13:91], аксарият колхоз бригадаларида заҳарли дорилардан болаларни сақлаш талабларига амал қилишмаган, ёки махсус омборхоналар қурмаганликлари оқибатида оналар ва болалар ўртасида химиявий дорилардан заҳарланиш ҳолатлари аниқланган эди, хусусан 1983 йили Андижон вилояти, Избоскан тумани, “Ўзбекистон” жамоа хўжалиги бригадасида, бригадир томонидан қўлида эмизикли боласи бўлган бригада аъзоси О. Абдуллаевани ширага қарши заҳарли дори сепилган пахта майдонида чопиқ қилишни талаб қилгани туфайли, она ва боланинг соғлиғи ёмонлашиб, заҳарланганлари маълум бўлди.

Бригадир бўлса ёрдам бериш ўрнига, онадан “заҳар сепилган майдонни билмай кириб, чопиқ қилганман” деган мазмунда хат ёздириб, имзо қўйдириб олганлиги, болалар ва оналар тақдири пахта яккаҳоқимлиги туфайли ана шундай ҳал қилиб юборилганлиги кузатилди[14].

1983 йил октябрда Ўзбекистон раҳбари этиб тайинлаган И. Усмонхўжаевдан Марказ пахта мавсумини янада кучайтириш талабини қўйди ва ўша даврда КПСС Марказий Қўмитаси қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича котиби М. Горбачёв пахта тайёрлаш режасини тўлиқ бажариш, керак бўлса Республиканинг 17 миллион аҳолисини сафарбар этишни талаб этган эди[15:292]. Сафарбар этилиши талаб этилган 17 миллион аҳолининг асосий қисмини, 17 ёшгача бўлган болалар ташкил қилиб, уларни пахта ҳосилини етиштириб олишда асосий куч деб ҳисобланди.

Бироқ компартия раҳбарлари томонидан ўқувчиларни асосий вақтини олаётган, қишлоқ хўжалиги ишлардан муҳофаза этиш каби таклифлар ҳам бўлди. Жумладан, КПСС Марказий Қўмитасининг 1988 йил февраль пленумида ўқувчи ёшларни ўқиш жараёнига алоқаси бўлмаган турли ишлар ва тадбирларга жалб этиш борасида мамлакатда кенг ёйилган тажриба қораланди[16:301]. Марказнинг ушбу тарғиботига қарамай, пахта мавсуми даврида республиканинг турли жойларида ўқувчиларни жалб этиш ишлари 2-3 ойгача чўзилиб борди ва бу одат совет империяси парчалангунга қадар ўз кучини йўқотмади.

Пахта яккаҳоқимлиги сиёсати ўзининг салбий оқибатлари билан ватан тарихи саҳифаларида ўз аксини топиб, болаларнинг ёшлик даврлари пахта майдонларида ўтиб кетгани, айниқса қишлоқ болаларининг аҳволи анча оғир бўлганини тарихий манбалар кўрсатиб берди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон, қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳоқимлигига барҳам берди ҳамда болаларни таълим тизимига қайтариш учун дадил қадамлар ташлагани, ўзбек болаларининг ҳаётида кескин бурилиш ясади ва босқичма-босқич пахта ишларида болалар иштирокига барҳам берилди.

#### Адабиётлар/Литература/References:

1. Азимов. С. “Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий советлари”. Тошкент.:”Фан”.1969
2. “Колхоз аъзоларининг ҳуқуқлари”. Тошкент.:1990
3. “КПССнинг социал сиёсати”. /Мигулский К ва бошқ. Тошкент.:”Ўзбекистон”. 1988
4. “Ленин учқуни”. 1977 йил 22 ноябрь
5. “Ленин учқуни”. 1977 йил 22 ноябрь
6. “Ленин учқуни”. 1978 йил 21 март
7. Майстрих.К. Лаврова.И. “Социал гигиена ва соғлиқни сақлаш асослари”. Тошкент.:”Медицина”. 1979.
8. “Мустабид тузумнинг Ўзбекистон бойликларини талаш сиёсати:тарих шоҳид- лиги ва сабоқлари”. Т.:Шарқ. 2000.
9. Муҳитдинов. Н. “Кремлда ўтган йилларим”. Тошкент.:”Ўзбекистон”. 1995
10. Охунова.Э. “Оналар бешиги дунёдир”. Тошкент.:”Ўзбекистон”. 1989
11. “Совет Ўзбекистони”. 1978 йил 21 март.
12. “Саодат”. 1991. №4.
13. Хусанов. А. “Ўзбекистонга тош отманг!”. Фарғона.:1993
14. “Ўзбекистон тарихи”. Бир томлик/ Ғуломов.Я. ва бошқ..Тошкент.:”Фан”.1958
15. “Ўқитувчилар газетаси”. 1971 йил 4 ноябрь
16. “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг экономикаси, ташкил этилиши ва планлаштирилиши”./ Жалилов. Х. Ва бошқ.. Тошкент.:”Меҳнат”. 1986

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 1 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).